

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТАЛИЕВ САИДЖОН ХОМИТАЛИ ЎҒЛИ

**БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ НОСПЕЦИФИК
АОРТОАРТЕРИИТИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Рахматалиев Саиджон Хомитали ўғли

Брахиоцефал артерияларнинг неспецифик аортоартериити билан касалланган беморларни диагностика қилиш ва комплекс даволаш усуллари тақомиллаштириш..... 3

Рахматалиев Саиджон Хомитали угли

Совершенствование методов диагностики и комплексного лечения больных с неспецифическим аортоартериитом брахиоцефальных артерий..... 23

Rakhmataliyev Saidjon Homitali ugli

Improvement of diagnostic and comprehensive treatment methods for patients with nonspecific aortoarteritis of the brachiocephalic arteries..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТАЛИЕВ САИДЖОН ХОМИТАЛИ ЎҒЛИ

**БРАХИОЦЕФАЛ АРТЕРИЯЛАРНИНГ НОСПЕЦИФИК
АОРТОАРТЕРИИТИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ
ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ ВА КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак қон-томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4760 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ирназаров Акмал Абдуллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Суннатов Равшан Джалилович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ соат ____ даги йиғилишида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация иши билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида (205 - сон билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “_____” _____ даги _____ рақамли тарқатиш реестри баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

С.А. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда носпецифик аортоартериит (НАА) замонавий тиббиётнинг энг жиддий муаммоларидан бири бўлиб, ташхислаш ва даволашнинг мураккаблиги сабабли, асосан ёш аёлларда касаллик ва унинг асоратлари ногиронлик ва ўлимга олиб келади. «НААнинг ўткир бошланиши ва симптомларининг носпецификлиги ташхис қўйишда қийинчиликлар туғдиради, бу эса эрта клиник ва инструментал диагностика ҳамда эрта даволаш зарурлигини кўзда тутуди» (Samaan M. et all, 2025). НАА касаллиги бутун дунё бўйича аниқланган бўлиб, асосан шарқий осие давлатларида кўп учрайди, хусусан Японияда ҳар йили 300 нафар бемор аниқланади. Ўзбекистонда эса ўртача йиллик касалланиш 1 миллион аҳолига 6,7 ни ташкил этади. НААда эркаклар ва аёллар ўртасида касалланиш нисбати 1:8,5дан 1:15гача ўзгариб туради. Касалликнинг одатий кечишига кўра, касалликнинг бошланишидан то 10 йил муддат ичида беморларнинг 70%да асоратлар юзага келишига олиб келади. НАА билан оғриган беморларнинг 5-10 йиллик яшовчанлиги эса 72-85%га етади. Ўлимнинг энг кенг тарқалган сабаблари инсульт (50%) ва миокард инфаркти (тахминан 25%). НААда яллиғланиш жараёнининг фаоллигини баҳолашда янги усулларга эҳтиёж бор, чунки турли муаллифларнинг фикрига кўра, яллиғланиш фаоллигининг лаборатор маркерлари 50% ҳолатларда сохта салбий натижа беради¹.

Жаҳон амалиётида бугунги кунда НАА беморларида аорта ва йирик артериялардаги яллиғланиш жараёнининг кечиш хусусиятларини турли яллиғланишга қарши консерватив терапия фонида ўрганиш, мазкур патологиянинг анатомик ва физиологик хусусиятларини замонавий нур ташхис усуллари нуқтаи назаридан таҳлил қилиш энг долзарб тадқиқотлардан бўлиб қолмоқда. Айрим текширувларни ўтказиш, юқори технологик бўлишига қарамай, беморга маълум даражада хавф туғдиради (инвазивлик, радиация таъсири). Барча диагностика ва даволаш усуллари бир-бирини бекор қилмайди, балки фақат касалликни ташхислаш ва даволаш учун мавжуд усулларни тўлдирди. Бугунги кунда НААнинг жарроҳлик йўли билан даволашнинг янги усуллари жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ташхислаш ва жарроҳлик йўли билан даволашнинг ягона усули мавжуд эмас.

Мамлакатимизда ҳозирги вақтда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати ва кўламини тубдан яхшилаш ҳамда сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу йўналишда, хусусан, носпецифик аортоартериитни комплекс даволаш натижаларини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш учун жарроҳлик аралашувини баҳолаш натижалари ва операциядан кейинги эрта ҳамда кечки асоратларни таҳлил қилиш билан модификация қилинган усулларни ишлаб чиқиш бўйича

¹ Arita Y, Ishibashi T, Nakaoka Y. Current Immunosuppressive Treatment for Takayasu Arteritis. *Circ J.* 2024 Sep 25;88(10):1605-1609. doi: 10.1253/circj.CJ-23-0780. Epub 2023 Dec 19. PMID: 38123294.

илмий асосланган натижалар талаб этилади. Мустақил Ўзбекистоннинг 2022–2026-йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган вазифалар киритилган². Шу муносабат билан, носпецифик артоартериитни комплекс даволаш натижаларини тактик ва техник жиҳатларни такомиллаштириш орқали яхшилаш масаласи тадқиқот учун долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, хуудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2022 йил 26 январдаги ПҚ-103-сон «Юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI устувор йўналиши – «Тиббиёт ва фармакология»га мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. НААда йирик қон томирларнинг шикастланиши кўп учрайди ва беморни даволаш натижасини белгилайдиган асосий омил ҳисобланади. Глюкокортикостероидлар (ГКС) НААни даволашнинг асоси ҳисобланади, катта дозаларда ГКС ремиссияга эришишда самаралидир. Бироқ, рецидивлар тез-тез кузатилади ва ГКС билан қайта-қайта ҳамда узоқ муддат даволашга олиб келади. Бу эса юқори даражада ҳавfli бўлган ножўя таъсирлар ривожланишига сабаб бўлади. ГКСнинг эҳтимолий токсиклиги, айниқса, НАА билан оғриган беморлар ёшлиги ва бир неча йил, кўпинча, бутун умри давомида даволанишга муҳтожлиги сабабли жиддий ҳавотир уйғотади. Касалликнинг рефрактерлигида ёки анъанавий терапияга қарши кўрсатмалари бўлган беморларга янги терапевтик ёндашувлар зарур. НАА патогенезини англашда катта ўсиш кузатилди, бу эса мақсадли биотерапияни ишлаб чиқишга олиб келди. Хусусан, интерлейкин-6 (IL-6) ва ўсма некрози омил-альфа (TNF- α) йўллари энг истиқболли терапевтик нишонлар ҳисобланади ва тоцилизумаб ва TNF-ингибиторлари бўйича пайдо бўлаётган маълумотларни кўзда тутати. Шу билан бирга, сўнгги тадқиқотларда янус-киназа (JAK) ингибиторлари,

² O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “Yangi O‘zbekistonni 2022-2026-yillarda rivojlantirish strategiyasi to‘g‘risida”gi UP-60-son Farmoni. Qonun hujjatlari to‘plami.

ритуксимаб, устекинумаб ва абатацепт ҳақида янги маълумотлар ўрганилган³.

Диагностик визуализация НААга шубҳани тасдиқлаш учун тавсия этилади ва ушбу беморларни кузатишда қон томирлар шикастланишини баҳолаш мақсадида қўлланилиши мумкин. Ультратовуш текшируви (УТТ), магнит-резонанс томография (МРТ) ва позитрон-эмиссион томография (ПЭТ)/компьютер томографияси (КТ) 18F-фтордезоксиглюкоза (18F-ФДГ) қўлланган ҳолда томирлар зарарланган соҳалардаги яллиғланишни визуализация қилиш имконини беради. Ультратовуш текшируви ва МРТ НААда биринчи навбатда тавсия этиладиган диагностик тестлар ҳисобланади, бироқ усулни танлашда унинг мавжудлиги ва дифференциал диагностика имконияти муҳим шарт ҳисобланади. Ультратовуш текшируви, МРТ- ва КТ-ангиография ҳам морфологик ўзгаришларни баҳолашда қўлланилиши мумкин. “Касаллик фаоллигини мониторинг қилиш ва даволаш тўғрисида қарор қабул қилишда визуализациянинг ролини аниқлаш учун қўшимча тадқиқотлар ўтказиш зарур”⁴. Фон сигналини сусайтириш йўли билан бутун танани диффузион-мувозанатланган томография (DWIBS) қилиш бир нечта артерия деворларида сигналнинг кучайишини кўрсатади. DWIBS НААда касаллик фаоллигини баҳолаш учун, айниқса, навбатдаги кузатув жараёнида, янги визуализация усулига айланиши мумкин⁵.

Адабиётлар тахлили шуни кўрсатадики, НАА касаллигини ташҳислаш ва даволашда сезиларли ютуқларга эришилганлигига қарамай, бугунги кунда яллиғланишни аниқлаш усуллари яъни, лаборатория ва инструментал текширувларда касалликнинг кечишини аниқлаш масаласи тўлиқ ечилмаган муаммолардандир. Бир вақтнинг ўзида яллиғланишни аниқ баҳоламасдан медикаментоз даволаш ёки жаррохлик амалиётларини бажариш юқори ҳавф ҳисобланади. Брахиоцефал артерияларнинг НАА билан касалланган беморларда мунозарали бўлган ташҳислаш ва жаррохлик амалиётлари усуллари ва босқичлари ҳақида тушунчалар мавжуд. Муҳокама қилинган беморлар учун энг яхши даволаш вариантини танлаб оладиган ва натижаларни башорат қиладиган усуллар мақбул ҳисобланади. Ушбу беморларда яллиғланишни янада аниқроқ баҳолаш текширувлари ва жаррохлик амалиётларига кўрсатмалар ва ўтказиш усуллари етарлича бажарилмайди. Шу сабабли бир қатор саволлар ўз ечимини кутмоқда.

Диссертацион тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-

³ Regola F, Uzzo M, Toniati P, Trezzi B, Sinico RA, Franceschini F. Novel Therapies in Takayasu Arteritis. *Front Med (Lausanne)*. 2022 Jan 12;8:814075. doi: 10.3389/fmed.2021.814075. PMID: 35096902; PMCID: PMC8790042.

⁴ Nielsen BD, Seitz L, Schmidt WA. Update in imaging for large vessel vasculitis. *Best Pract Res Clin Rheumatol*. 2025 Apr 2:102060. doi: 10.1016/j.berh.2025.102060. Epub ahead of print. PMID: 40180819.

⁵ Oguro E, Ohshima S, Kikuchi-Taura A, Murata A, Kuzuya K, Okita Y, Matsuoka H, Teshigawara S, Yoshimura M, Yoshida Y, Isoda K, Kudo-Tanaka E, Harada Y, Kaminou T, Saeki Y. Diffusion-weighted Whole-body Imaging with Background Body Signal Suppression (DWIBS) as a Novel Imaging Modality for Disease Activity Assessment in Takayasu's Arteritis. *Intern Med*. 2019 May 1;58(9):1355-1360. doi: 10.2169/internalmedicine.1792-18. Epub 2019 Jan 10. PMID: 30626815; PMCID: PMC6543213.

тадқиқот режаси доирасидаги «Одам хирургик касалликларини ташҳислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш» мавзуси асосида (2018–2023 йй.) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади брахиоцефал артерияларнинг носпецифик аортоартериити билан касалланган беморларини комплекс даволаш натижаларини яхшилаш мақсадида касалликнинг янги диагностик усулларни жорий этиш ва яллиғланиш жараёни фаоллигини сусайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларда иммунологик кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва уларнинг яллиғланиш жараёни фаоллигини баҳолашдаги аҳамиятини аниқлаш;

носпецифик аортоартериитда брахиоцефал артериялар шикастланишида яллиғланишли ўзгаришлар фаоллигини аниқлаш мезонлари ва диагностик усулларни такомиллаштириш;

ишлаб чиқилган диагностик ва даволаш тадбирлари комплексини қўллашнинг эрта ва кечки натижаларини баҳолаш;

носпецифик аортоартериит туфайли брахиоцефал артериялар шикастланган беморларда диагностика ва комплекс даволашнинг оптимал алгоритминини ишлаб чиқиш ва илмий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000–2024 йилларда брахиоцефал артериялар носпецифик аортоартериити (НАА) билан касалланган 180 нафар беморлар иштирокида олиб борилган. Улар Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг қон-томир жарроҳлиги бўлимида (2016-йилгача – жарроҳлик ангионеврологияси бўлими) ҳамда Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказида даволанган.

Тадқиқотнинг предмети носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларни хирургик даволаш натижаларини таҳлил қилиш, шунингдек, ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритминини қўллаш самарадорлигини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги усуллар қўлланилди: мультидисциплинар ёндашув, яъни мутахассислар — ревматолог, қон-томир жарроҳи, невропатолог, радиолог кўриги; умумий клиник, биокимёвий, лаборатор, махсус иммунологик, инструментал (ультратовуш текшируви, уйқу артерияларни дуплекс сканерлаш), махсус (МСКТ ва DWIBS MPT), ангиографик ҳамда статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фон сигналини сусайтириш йўли билан бутун тана диффузион-мувозанатланган магнит-резонанс томографияси (DWIBS) магистрал артериялардаги актив яллиғланиш локализациясини аниқ визуализация қилиш, шунингдек, симптоматик стеноз билан зарарланган жойлардан узоқда жойлашган қон томирларда янги яллиғланиш ўчоқларини аниқлаш имконини бериши исботланган;

яллиғланиш маркерлари сохта манфий натижа кўрсатган беморларда яллиғланиш жараёни фаоллигини тўғри баҳолаш мақсадида интерлейкин-6

citoкини даражасини аниқлаш зарурлиги исботланган;

интерлейкин-6 citoкини юқори бўлганда, пульс-терапияга резистент бўлганда, пульс терапия компонентларига индивидуал юқори сезувчанлик ёки қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, беморларга интерлейкин-6 citoкинини блокловчи тоцилизумаб препаратини қўллаш самарадорлиги исботланган;

брахиоцефал артериялар носпецифик аортоартериити бўлган беморларда яллиғланиш фаоллигини тўғри баҳолаш ва интерлейкин-6 citoкинини блокловчи препаратлар қўллаш орқали жаррохлик амалиётларнинг асоратларини камайтирадиган диагностика ва комплекс даволаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бутун тананинг диффузион-мувозанатланган МРТ текшируви магистрал артериялардаги актив яллиғланиш локализациясини аниқлаш, янги яллиғланиш ўчоқларини, жумладан, симптоматик стенозлардан узокда жойлашган соҳалардагиларни ҳам, топиш, даволаш тактикасига ўз вақтида тузатиш киритиш имконини бериши, бу эса қон томирларнинг актив шикастланишларини кўздан қочириш хавфини камайтириши аниқланган;

яллиғланиш анъанавий маркерлари сохта манфий бўлган беморларда интерлейкин-6 дан фойдаланган ҳолда яллиғланиш жараёни фаоллигини баҳолаш ва индивидуал ёндашув асосида даволаш мезонлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган;

стандарт пульс-терапияга резистент ёки қарши кўрсатмалари мавжуд бўлган беморларда тоцилизумаб қўллаш кўрсатмалари асослаб берилган, унинг даволаш самараси ошгани ва касаллик хуружларни частотаси камайиши исботланган;

яллиғланиш фаоллигини баҳолашни яхшилаган, ва фаолликни нотўғри баҳолаш билан боғлиқ асоратлар сонини камайтириш имконини берган брахиоцефал артериялар носпецифик аортоартериитни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонларини рационал қўллаш, замонавий диагностика ва даволаш усуллари, методологик ёндашувлар мажмуаси ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади. Диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш усуллари замонавий илмий ва амалий концепцияларга, шунингдек, Такаясу касаллиги бўлган беморларни ташхислаш ва жаррохлик йўли билан даволашга оид ёндашувларга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан келиб чиқадики, олинган хулоса ва таклифлар алоҳида назарий қийматга эга бўлиб, НАА касаллигини клиник ва инструментал усуллар билан ташхислаш принципларига, эрта диагностиканинг замонавий усулларига ҳамда ушбу патологияда яллиғланишни аниқроқ баҳолаш орқали жаррохлик амалиётлари натижаларини яхшилашга салмоқли ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари асосида Такаюсу касаллиги бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашда тактик ва техник ёндашувлар такомиллаштирилгани амалиёт жараёнида ишемик ҳолатлар ривожланиши хавфини камайтиришга, операциядан кейинги эрта ва кечки даврда нохуш ҳолатлар сонини қисқартиришга, яллиғланишни самарали профилактика қилишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ҳизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларга юқори технологияли диагностик ёрдам кўрсатиш ва комплекс даволаш сифатини ошириш бўйича илмий тадқиқот натижаларига кўра:

биринчи илмий янгилик: фон сигналинини сусайтириш йўли билан бутун тана диффузион-мувозанатланган магнит-резонанс томографияси (DWIBS) магистрал артериялардаги актив яллиғланиш локализациясини аниқ визуализация қилиш, шунингдек, симптоматик стеноз билан зарарланган жойлардан узоқда жойлашган қон томирларда янги яллиғланиш ўчоқларини аниқлаш имконини бериши исботланганлиги – бу натижалар Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (11.05.2024 й. 74-И/Ч сонли буйруқ) ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалида (06.06.2024 й. 87-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгаш хулосаси № 19/66, 10 июн 2025 й.). Ижтимоий самарадорлиги: диффузион–мувозанатлаштирилган режимдаги МРТ носпецифик аортоартериит билан касалланган беморларда бажарилиши шарт бўлган инструментал диагностика усули ҳисобланади, у иммунологик кўрсаткичлар сохта–манфий бўлган ҳолларда ҳам яллиғланиш жараёнининг локализацияси ва фаоллигини аниқ белгилаш имконини беради. Бу эса томирларда стеноз ва окклюзиялар ривожланиш хавфини пасайтиради, ишемик инсульт ривожланишининг олдини олади, беморларни ногирон бўлиб қолишдан сақлайди ва уларнинг ҳаёт сифатини оширади. Иқтисодий самарадорлиги: статистикага кўра, НАА билан касалланган беморларда брахиоцефал артериялар стенози ва миёда қон айланишининг бузилиши туфайли бир йилда ўртача 2–3 марта стационар даво зарур бўлади. Эрта ташхислаш ва яллиғланишни аниқ баҳолаш орқали ўртача госпитализация муддатини 10 кундан 7 кунга қисқартириш мумкин. Бир койка–кун нархи 327000 сўмни ташкил этар экан, 20 нафар бемор учун иқтисодий тежамкорлик 6540000 сўмни ташкил этади. Хулоса: DWIBS орқали яллиғланишнинг фаол ўчоқларини визуализация қилиш ва стеноз соҳасидан узоқдаги янги ўчоқларни аниқлаш асоратларнинг олдини олиш, ҳамда койка–кунлар сонини қисқартириш ҳисобига 65400000 сўм тежаш имконини беради;

иккинчи илмий янгилик: яллиғланиш маркерлари сохта манфий натижа кўрсатган беморларда яллиғланиш жараёни фаоллигини тўғри баҳолаш мақсадида интерлейкин-6 цитокини даражасини аниқлаш зарурлиги исботланганлиги – бу натижалар Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (11.05.2024 й. 74-И/Ч-сонли буйруқ) ва Республика шошилинич

тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалида (06.06.2024 й. 87-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашининг 10.06.2025 й. 19/66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ушбу усулни жорий этиш НАА билан касалланган беморларда яллиғланиш жараёни фаоллигини аниқ баҳолаш ва бунинг асосида комплекс даволашнинг босқичли усулига ўтиш имконини берди, натижада яллиғланиш жараёни фаоллиги 5,9 %дан 0,7 %гача камайди. Иқтисодий самарадорлиги: статистикага кўра, НАА билан касалланган беморларда брахиоцефал артериялар стенози сабабли кўп марта жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. НАА билан касалланган беморларда ҳар бир жарроҳлик амалиётининг ўртача қиймати 25600000 сўмни ташкил этади. Жарроҳлик амалиётлари ва госпитализациялар сонининг камайиши 20 нафар бемор учун тахминан 512000000 сўм бюджет маблағини тежаш имконини беради. Хулоса: стандарт таҳлилларда сохта-манфий натижалар қайд этилганда ИЛ-6 даражасини аниқлаш яллиғланиш жараёни фаоллигини тўғри баҳолашни таъминлайди ва жарроҳлик амалиётлар сонини кескин камайтиради, бу эса 512000000 сўм тежаш имконини беради;

учинчи илмий янгилик: интерлейкин-6 цитокини юқори бўлганда, пульс-терапияга резистент бўлганда, пульс терапия компонентларига индивидуал юқори сезувчанлик ёки қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган тақдирда, беморларга интерлейкин-6 цитокинини блокловчи тоцилизумаб препаратини қўллаш самарадорлиги исботланганлиги – бу натижалар Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (11.05.2024 й. 74-И/Ч-сонли буйруқ) ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалида (06.06.2024 й. 87-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техникавий кенгашининг 10.06.2025 й. 19/66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: ИЛ-6 даражасини аниқлаш НАА билан касалланган беморларда кейинги даволаш тактикасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки яллиғланиш жараёни фаоллигини фақат стандарт ревматологик тестлар асосида баҳолаш кўпинча сохта-манфий натижаларга олиб келади. Бундай ҳолларда тоцилизумаб қўлланилиши узоқ муддатли ремиссияга эришиш, ГКС-препаратларини қўллашдан воз кечиш, даволаш харажатларини камайтириш ва тиббий-ижтимоий кўрсаткичларни яхшилаш имконини берди. Иқтисодий самарадорлиги: брахиоцефал артериялардаги жарроҳлик амалиётларидан кейинги асоратларни камайтириш беморларни реанимация бўлимда 1–2 кун кам қолишига олиб келади. Операциядан кейин реанимацияда ўртача ётиб қолиш муддати 4–5 кунни ташкил этса ва бир кунлик харажат 950000 сўм бўлса, 20 нафар бемор учун тежамкорлик 65500000 сўмни ташкил этади. Хулоса: ИЛ-6 даражаси юқори бўлган ва пульс-терапияга резистент беморларда тоцилизумаб қўлланилиши асоратларнинг олдини олишга ва реанимацияда даволаш муддатини қисқартиришга имкон беради, бу эса 65500000 сўм тежашни таъминлайди;

тўртинчи илмий янгилик: брахиоцефал артериялар носпецифик аортоартериити бўлган беморларда яллиғланиш фаоллигини тўғри баҳолаш ва интерлейкин-6 цитокинини блокловчи препаратлар қўллаш орқали

жаррохлик амалиётларнинг асоратларини камайтирадиган диагностика ва комплекс даволаш кетма-кетлиги ишлаб чиқилганлиги - Қашқадарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида (2024-йил 11-майдаги 74-И/Ч-сонли буйруқ) ва Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Тошкент вилояти филиалида (2024-йил 6-июндаги 87-сонли буйруқ) амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техникавий кенгашнинг 2025-йил 10-июндаги 19/66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: алгоритмни жорий этиш операциядан кейинги эрта даврдаги тромбозларнинг частотасини 10,0%дан 5,0% гача, узок муддатли даврдаги тромбозларни эса 15,4%дан 5,3%гача камайтириш имконини берди. Яллиғланишнинг фаоллик даражасини ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашув ишемик инсульт частотасини 21,6%дан 6,9%гача, инсульт + ўлим кўрсаткичини эса 11,3%дан 3,2%гача камайтирди. Иқтисодий самарадорлиги: операциялардан кейинги инсульт ҳолатларининг камайиши стационар даволаниш (шу жумладан, интенсив терапия ва тиббий реабилитация) харажатларини қисқартириш имконини беради. Бир кунлик даволаниш нархи 1100000 сўмни ташкил этади. 20 нафар бемор учун тежаладиган маблағ 82400000 сўмни ташкил этади. Хулоса: брахиоцефалик артерияларнинг носпецифик аортоартериити билан касалланган беморларни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритмининг жорий этиш асоратлар сонини камайтиришга ва 82400000 сўм маблағни тежашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, якуний қисм, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация **кириш қисмда** ишининг долзарблиги ва талабнинг юқорилиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси ва чоп этилганлиги ҳақида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг **«Носпецифик аортоартериитнинг эпидемиологияси, этиопатогенези, диагностикаси ва жаррохлик йўли билан даволаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида адабиётларга

шарҳ келтирилган. Шарҳда НААнинг тарқалиши, этиологияси ва патогенези, диагностикаси, НААда яллиғланиш фаоллигини баҳолаш усуллари, консерватив ва жарроҳлик йўли билан даволаш схемалари бўйича замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «Тадқиқот клиник материали ва қўлланилган усуллар» иккинчи бобида Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг қон томир жарроҳлиги бўлими ҳамда Республика ихтисослаштирилган хирургик ангионеврология марказида 2000–2024-йилларда носпецифик аортоартериит (НАА) билан оғриган 180 нафар беморни даволаш тажрибаси таҳлил қилинган. Барча беморлар ташҳислаш ва даволаш усулларига қараб 2 гуруҳга ажратилган. Назорат гуруҳига 2000–2015-йилларда клиникада даволанган 100 нафар (55,6%) бемор киритилган. Уларда анъанавий диагностик ва даволаш тадбирлари қўлланилган. Асосий гуруҳга эса 2016–2024-йилларда стационар шароитда даволанган 80 нафар (44,4%) бемор киритилиб, уларда янги ишлаб чиқилган ташҳислаш ва даволаш алгоритми асосида такомиллаштирилган комплекс даво чоралари олиб борилган.

Диссертациянинг учинчи боби «Беморларни текшириш ва даволаш натижалари (назорат гуруҳи)» деб номланган бўлиб, унда назорат гуруҳи беморларини текшириш натижалари келтирилган. БЦА зарарланишининг локализацияси ва тарқалишига қараб, назорат гуруҳидаги беморларни СБМҚАЕ даражаси бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Назорат гуруҳидаги беморларнинг БЦА зарарланишининг локализацияси ва тарқалишига қараб СБМҚАЕ даражалари бўйича тақсимланиши

Зарарланиш локализацияси		УУА	ЎоА±УА	УУА+ ЎоА	УУА+ ЎоА + УА	Жами	
СБМҚАЕ	I	абс.	2	1	2 (1)*	1	6 (1)*
		%	33,3	16,7	33,3	16,7	6,0
	II	абс.	2	4 (1)*	7 (1)*	5 (1)*	18 (3)*
		%	11,1	22,2	38,9	27,8	18,0
	χ^2		1,60	0,08	0,06	0,30	6,82
	P_{I-II}		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05	<0,01
	III	абс.	2	7 (2)*	8 (8)*	32 (12)*	49 (22)*
		%	4,1	14,3	16,3	65,3	49,0
	χ^2		9,93	0,02	1,04	5,27	46,4
	P_{I-III}		<0,01	>0,05	>0,05	<0,05	<0,001
	IV	абс.	2	-	5 (3)*	20 (2)*	27 (5)*
		%	7,4	-	18,5	74,1	27,0
	χ^2		3,1	-	0,64	6,99	16,0
	P_{I-IV}		>0,05	-	>0,05	<0,01	<0,01
Жами		абс.	8	12 (4)*	22 (13)*	58 (14)*	100 (31)*
		%	8,0	12,0	22,0	58,0	100

* қавсларда умуртқа-ўмров ости ўғирлаш синдромини аниқлаш частотаси кўрсатилган.

Назорат гуруҳи беморларига қўлланилган диагностика ва даволаш алгоритми қуйидагича (1-расм).



1-Расм. Таққослаш гуруҳидаги беморларнинг диагностика қилиш ва даволаш алгоритми.

Стационарга қабул қилинган пайтда носпецифик аортоартериитда БЦА зарарланиши туфайли операция қилинган биринчи гуруҳдаги 31 нафар (31%) беморда яллиғланишнинг клиник-лаборатор белгилари аниқланмади.

Яллиғланиш жараёни фаол босқичи аниқланишининг юқори частотаси беморлар олаётган консерватив давонинг самарадорлигига эътибор беришимизга ундади. Беморлар билан суҳбат жараёнида аниқланишича, фақатгина 51 нафар (51%) бемор глюкокортикостероидлар ва/ёки цитостатиклар қабул қилган, уларнинг фақат учдан бир қисми доимий даво олган, қолганлари эса даврий равишда даволанган (2-жадвал).

2-жадвал

Стационарга қабул қилинган пайтдаги яллиғланишга қарши даво ва касаллик босқичи

Касаллик босқичи		Ўткир (n=28)	Ўткирости (n=41)	Сурункали (n=31)	Жами (n=100)	
Яллиғланишга қарши даво	Доимий	абс.	3	4	10	17
		%	10,7	9,8	32,3*^^	17,0
	Даврий	абс.	10	12	12	34
		%	35,7	29,3	38,7	34,0
	χ^2		15,9	4,91	4,97	0,28
	$P_{\text{доимий-даврий}}$		<0,01	<0,05	<0,05	>0,05
	Қабул қилмаган	абс.	15	25	9	49
		%	53,6	61,0	29,0*^^	49,0
	χ^2		1,0	11,79	23,53	0,08
	$P_{\text{доимий-қабул қилмаган}}$		>0,05	<0,01	<0,01	>0,05
χ^2		9,77	1,81	8,32	0,65	
$P_{\text{даврий - қабул қилмаган}}$		<0,01	>0,05	<0,01	>0,05	

53 та ҳолатда беморларга метилпреднизолон ва циклофосфан билан пульс-терапия ўтказилди.

Назорат гуруҳидаги 100 нафар беморда жами 129 та жарроҳлик амалиёти бажарилган (3-жадвал).

3-жадвал

Назорат гуруҳидаги беморларда бажарилган оператив аралашув турлари

Операциялар тури	Операциялар сони
Юқорига кўтарилувчи аортадан аорто-бикаротидли протезлаш	2
Уйқу-ўмров ости артерияларини аллошунтлаш	10
Умумий уйқу артериясини протезлаш	38
Ички ва ташқи уйқу артериялари эндартерэктомияси кенгайтирилган аллопластика билан	51
ИУА аневризмасини резекция қилиш ва аллопротезлаш	3
Ўмров ости артериясининг РЭД ва стентланиши	16
Ўмров ости артериясининг РЭД	7
УУА нинг стентланиши	2
Жами	129

Назорат гуруҳи беморларида жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги эрта ва кечки даврдаги натижалар 4- ва 5-жадвалларда келтирилган.

4-жадвал

Операциядан кейинги эрта даврдаги асоратлар (30 кунгача n=100)

Асоратлар	СБМҚАЕ даражаси								Жами	
	I		II		III		IV			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ипсилатерал томонда инсульт	0	0,0	0	0,0	1	1,0	2	2,0	3	3,0
Контралатерал томонда инсульт	0	0,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0	2	2,0
Инсульт+леталлик	0	0,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0	2	2,0
Операциядан кейинги соҳанинг тромбози	3	3,0	1	1,0	3	3,0	3	3,0	10	10,0
Гематомалар	0	0,0	1	1,0	1	1,0	2	2,0	4	4,0
Операция бажарилган соҳада йиринглаш	0	0,0	0	0,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0
БМН жароҳати	0	0,0	0	0,0	1	1,0	1	1,0	2	2,0
Жами	3	3,0	2	2,0	8	8,0	11	11,0	24	24,0

5-жадвал

Операциядан кейинги кечки даврдаги асоратлар ва ўлим кўрсаткичи (24 ой, n=91)

Асоратлар	СБМҚАЕ даражаси								Жами	
	I		II		III		IV			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Ипсилатерал томонда	0	0	0	0	1	1,1	1	1,1	2	2,2

инсульт										
Контралатерал томонда инсульт	0	0	0	0	2	2,2	1	1,1	3	3,3
Инсульт + ўлим	0	0	0	0	2	2,2	2	2,2	4	4,4
Рестеноз	3	3,3	2	2,2	2	2,2	3	3,3	10	11,0
Артериялар тромбози	3	3,3	4	4,4	3	3,3	4	4,4	14	15,4
Анастомоз соҳаси аневризмаси	0	0,0	1	1,1	0	0,0	1	1,1	2	2,2
Жами	6	6,6	7	7,7	10	11,1	12	13,1	35	38,1

Олинган маълумотларни назорат гуруҳи беморларини текшириш ва даволаш жараёнида таҳлил қилар эканмиз, таъкидлаш жоизки, НААда яллиғланиш жараёни фаоллиги даражасини баҳолашнинг мавжуд усуллари (ЭЧТ, СРОни аниқлаш, УТТ, МСКТ-ангиография, МРТ), айниқса пульс-терапия олган беморларда, етарлича аниқ маълумот бермайди.

Ремиссияни индукция қилиш ва артериал томирдаги сезиларли стенозлар мавжуд бўлган ҳолларда кейинчалик реваскуляризацияловчи операцияларни амалга ошириш учун иммуносупрессив ва глюкокортикостероид (ГКС) терапиясидан фойдаланиш НААнинг комплекс терапияси асосини ташкил этади. Бироқ Такаясу касаллигининг глюкокортикостероид-резистент (ГКС-резистент) шакллари тобора кўпроқ тарқалмоқда. Шу боис биз НААнинг рефрактер шаклларини комплекс даволашда биологик препаратларни қўллаш натижаларини ўргандик.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Асосий гуруҳ беморларини текшириш ва даволаш натижалари**» келтирилган. Назорат гуруҳидаги натижалар таҳлили асосий гуруҳдаги 80 нафар НАА ва БЦА шикастланиши бўлган беморларда қўлланилган ташхислаш ва даволаш алгоритмини такомиллаштириш имконини берди.

Назорат гуруҳи каби асосий гуруҳда ҳам кўпчилик беморлар III (48,75%) ва IV (25%) даражадаги СБМҚАЕ билан стационарга мурожаат қилган ва госпитализация қилинган. Брахиоцефал артерияларининг шикастланиш локализацияси ва тарқалишига қараб СБМҚАЕ даражалари бўйича беморларнинг тақсимланиши қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

БЦА шикастланишининг локализацияси ва тарқалишига қараб асосий гуруҳ беморларининг СБМҚАЕ бўйича тақсимланиши

Зарарланиш локализация		УУА	ЎоА±УА	УУА+ ЎоА	УУА+ ЎоА +УА	Жами	
СБМҚАЕ	I	абс.	1	2	1 (1)*	1 (1)*	5 (2)*
		%	20,0	40,0	20,0	20,0	6,3
	II	абс.	2	4 (1)*	7 (1)*	3 (1)*	16 (3)*
		%	12,5	25,0	43,8	18,8	20,0
	χ^2		0,06	0,42	0,91	0,0	6,63
	P _{I-II}		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05	<0,01

III	абс.	3	8 (2)*	14 (7)*	14 (4)*	39 (13)*
	%	7,7	20,5	35,9	35,9	48,8
χ^2		0,52	0,96	0,50	0,5	36,24
P_{I-III}		>0,05	>0,05	>0,05	>0,05	<0,001
IV	абс.	1	-	9 (3)*	10 (2)*	20 (5)*
	%	5,0	-	45,0	50,0	25,0
χ^2		0,88	-	1,04	1,5	10,67
P_{I-IV}		>0,05	-	>0,05	>0,05	<0,01
Жами	абс.	7	14 (3)*	31 (12)*	28 (8)*	80 (30)*
	%	8,8	17,5	38,8	35,0	100

* қавсларда умуртқа-ўмров ости ўғирлаш синдромини аниқлаш частотаси кўрсатилган.

Асосий гуруҳдаги фақатгина 21 (26,3%) нафар беморда, НААда БЦА шикастланиши бўйича бирламчи операция қилинганида, стационарда клиник-лаборатор яллиғланиш белгилари аниқланмади.

Фақатгина 51 (63,8%) нафар бемор глюкокортикостероид ва/ёки цитостатиклар қабул қилган, шулардан ярмидан кам қисми доимий даво олган.

7-жадвал

Стационарда қабул қилинган вақтдаги беморнинг касаллик босқичи ва яллиғланишга қарши даво

Касаллик босқичи		Ўтқир (n=30)	Ўтқирости (n=29)	Сурункали (n=21)	Жами (n=80)	
Яллиғланишга қарши даво	Доимий	абс.	4	11	8	23
		%	13,3	37,9	38,1	28,8
	Даврий	абс.	19	8	2	29
		%	63,3	27,6	9,5	36,3
	χ^2			0,7	4,73	1,03
	$P_{\text{доимий- даврий}}$			>0,05	<0,05	>0,05
	Қабул қилмаган	абс.	7	10	11	28
		%	23,3	34,5	52,4	35,0
	χ^2			0,07	0,86	0,72
	$P_{\text{доимий- қабул қилмаган}}$			>0,05	>0,05	>0,05
	χ^2			0,32	9,02	0,03
	$P_{\text{даврий- қабул қилмаган}}$			>0,05	<0,01	>0,05

Назорат гуруҳидаги даволаш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, мавжуд усуллар касаллик фаоллигини аниқлашда яллиғланиш жараёни босқичини ҳар доим ҳам тўғри акс эттирмайди. Шу боис асосий гуруҳдаги 21 (26,2%) нафар беморда бутун тананинг диффузион-мувозанатлаштирилган магнит-резонанс томографияси (DWIBS – diffusion-weighted whole-body imaging with background body signal suppression) ўтказилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, яллиғланиш жараёни фаоллигини янада аниқроқ белгилаш, шунингдек, ИЛ-6 ингибиторларини қўллаш учун кўрсатмаларни аниқлаш мақсадида, субъектив симптомларда сезиларли яхшиланиш кузатилмаган ва пульс-терапия қабул қилинган вақтда


хам яллиғланишнинг стандарт лаборатор ревматологик кўрсаткичлари пасаймаган беморларда ИЛ-6 цитокини аниқланди (8-жадвал).

8-жадвал

Асосий гуруҳдаги пульс-терапияга рефрактер беморларда ИЛ-6 цитокини даражаси (n=16)

	ИЛ-6 цитокини даражаси				P
	Ошган		Норма чегарасида		
	абс.	%	абс.	%	
Пульс-терапияни субъектив жиҳатдан ёмон қабул қилган беморлар (n=7)	5	71,4+18,4	2	28,6+5,7	<0,05
Субъектив симптомлар ва стандарт лаборатор кўрсаткичлар пасаймаган беморлар (n=6)	6	100,0+0,0	0	0,0	<0,05
Субъектив симптомлар камаймаган, лекин стандарт лаборатор кўрсаткичлар пасайган беморлар (n=3)	2	66,7+33,3	1	33,3+7,0	>0,05
Жами – 16 бемор (100%)	13	81,3+10,1	3	18,8+4,4	<0,001

Юқорида баён этилган барча ҳолатлар НААнинг алоҳида ҳолатларида ва операцияга тайёргарлик жараёнида Тоцилизумабни (ТЦЗ) қўллашга туртки бўлди, Тоцилизумаб (ТЦЗ) – инсон ИЛ-6 рецепторига қарши рекомбинант гуманизация қилинган моноклонал антитело, иммуноглобулинлар IgG1 кичик синфига мансуб дори. Энг аввало, бу усул стандарт давога резистентлик ёки уни қўллашга қарши кўрсатмалар мавжуд бўлган вазиятларда татбиқ этилади. НААда брахиоцефал артериялар (БЦА) шикастланиши билан кечувчи беморларни ташхислаш ва комплекс даволаш алгоритми 2-расмда кўрсатилган.



